




80 йил олдин Совет кўшинлари Балтик бўйи давлатларини босиб олди. Шундан сўнг, Литва, Латвия ва Эстониянинг янги «халк ҳукуматлари» СССР таркибига киришни сўради.

80 йил олдин Совет кўшинлари Балтик бўйи давлатларини босиб олди. Шундан сўнг, Литва, Латвия ва Эстониянинг янги «халк ҳукуматлари» СССР таркибига киришни сўради. 1940 йил 17 июн куни Совет кўшинлари Латвия ва Эстониянинг муҳим нукталари ҳамда стратегик объектларини эгаллади. Совет Иттифоқи Литва ҳудудига икки кун олдин кирган эди. Шу тариқа, 1939 йил август ойида тузилган Молотов-Риббентроп

пакти натижасида СССР таъсир доирасига тушган Балтик давлатларининг босиб олиниши якунланди. Иккинчи жахон уруши бошланганидан кейин, Совет Иттифокининг босими остида Балтик ҳукуматлари ўзаро ёрдам пактларини имзолади, 1940 йил ёзида эса СССР Литва, Латвия ва Эстонияни келишувларни бузганликда айблаб, уларга ультиматум қўйди — Москва томонидан тасдиқланган янги ҳукуматни ташкил этиш ва Совет қўшинларининг чекловсиз киришини таъминлаш. Кон тўқилишнинг олдини олиш учун Балтик давлатлари бу шартларни қабул қилди.

1940 йил июль ойи ўрталарида ушта давлатда ҳам парламент сайловлари ўтказилди, уларда Совет тарафдорлари галаба қозонди. Август бошларида янги парламентлар ўз мамлакатларини СССР таркибига қўйишга қўйишни “сўради”.

Балтик давлатлари мушаккиллиги масаласи 1939 йил августда ҳал бўлган эди.

Ўша пайтда фашистик Германия ва СССР Молотов-Риббентроп пактини имзолаган. Ушбу келишувга қўра, Балтик давлатлари Совет Иттифоқи таъсир доирасига киритилган. Илк келишувда Литва Германия таъсирида бўлиши керак эди, лекин кейинчалик Сталин уни немислар босиб олган Польша ҳудудлари эвазига «алмаштирган».

Литванинг собиқ раҳбари Витаутас Ландсбергис бу ҳақда шундай деган:

«Балтик давлатларининг тақдири уларнинг қўлида эмас эди. Уларнинг босиб олиниши олдиндан тайёрланган. Совет армияси штаблари 1938—1939 йилларданок ҳарбий хариталарни чоп эта бошлаган, у ерда бизнинг давлатларимиз Литва ССР, Латвия ССР ва Эстония ССР деб белгиланган эди. Кейин қайта чоп этишга ҳожат қолмаслиги учун. Қўшинлар ҳаракати шу хариталарга асосланган.»

Совет Иттифоқи ташки ишлар комиссари Вячеслав Молотовнинг ўз сўзлари билан:

«Биз Балтик бўйи, Ғарбий Украина, Ғарбий Беларус ва Бессарабия масаласини Риббентроп билан 1939 йилда ҳал қилдик. Немислар Латвия, Литва, Эстония ва Бессарабияни ўзимизга қўйишимизга қарши қўйган эди. 1940 йил ноябрида Берлинга қаршимизда, Гитлер мендан сўради: “Украинларни, белорусларни бирлаштириш, яхши. Яхши, молдованларни ҳам тушунса бўлади. Лекин Прибалтика дунёга қандай тушунтириш мумкин?” Мен эса жавоб бердим: “Тушунтириб берамиз”.»

Балтик давлатларини босиб олиш боскичма-боскич амалга оширилган.

1939 йил сентябрида Совет харбий кемалари Балтика сохилларида пайдо бўлди, самолётлар эса ушбу давлатларнинг хаво худудини бузиб разведка ўтказа бошлади. 1939 йил октябрига келиб, Эстония, Латвия ва Литва СССР билан ўзаро ёрдам шартномаларини имзолашга мажбур бўлди. Бу шартномаларга мувофик, Совет Иттифоки Балтик давлатларида харбий-денгиз, хаво ва куруклик базаларини яратди ҳамда 75 мингдан ортик аскар жойлаштирди.

1940 йил апрель-май ойларида фашистик Германия Дания, Норвегия, Бельгия, Нидерландия ва Люксембургни босиб олганида, Совет матбуоти Балтик ҳукуматларини «дўстона муносабатларга путур етказишда» айблай бошлади.

Совет Иттифоки ўз харакатларини бахона килиш учун провокациялар уюштирди.

1940 йил май ойининг охирида СССР Литвани икки совет аскарини ўгирлашда айблади. Июнь ойи бошида Ленинград, Калинин ва Беларус харбий округларида хавфсизлик ҳолати жорий килинди. Совет кўшинлари Балтика давлатлари чегарасида тўплана бошлади. Уларнинг сони 435 минг нафар аскарни ташкил этарди, 8 мингдан зиёд зирхли техника, 3 мингдан ортик танк, 500 дан зиёд бронемашина ва 2 600 самолёт жалб этилди.

14 июнь куни немис кўшинлари Парижга кирган пайтда, СССР Литвани шартномани бузганликда айблади ва ультиматум кўйди: Москва тасдиқлаган янги ҳукумат тузиш ва Совет кўшинларини чекловсиз киритиш. Икки кундан сўнг, худди шундай ультиматум Латвия ва Эстонияга ҳам берилди.

Шу вақтга келиб, Балтик давлатлари денгиз ва хаводан тўлиқ мухосирага олинган эди. Совет кўшинлари латиш ва литван чегара постларига ҳужум килиб, уларни жавоб харакатига ундашга харакат килди. Литва президенти Антанас Сметона Совет кўшинларига карши кураш ташкиллаштиришни талаб килди, лекин ҳукуматнинг кўпчилиги уни кўллаб-қувватламади. У Германияга кочди. Латвия ва Эстония президентлари — Карлис Улманис ва Константин Пятс ультиматумни қабул килишга мажбур бўлди. Кейин улар кўлга олинди ва Совет лагерларига жўнатилди, у ерда ҳалок бўлди.

Совет оккупацияси конунийлаштириш учун сохта сайловлар ўтказилди.

1940 йил 14-15 июль кунлари Литва, Латвия ва Эстонияда парламент сайловлари ўтказилди. Барча уч давлатда ҳам Совет тарафдорлари хисобланган «Мехнаткаш халк блоки» номзодлари галаба қозонди. Сайлов конунларига фақат уларнинг номзодлари мос келади деб топилган, шунинг учун ҳеч қандай рақобат бўлмади. Хатто шундай шароитда ҳам сохталаштиришлар амалга оширилди. Латвиялик тарихчи Инесис Фелдманиснинг таъкидлашича: **«Совет ахборот агентлиги ТАСС Латвияда овозларни санаш бошланишидан 12 соат олдин натижаларни эълон қилган.»**

Шундан сўнг, янги парламентлар СССР таркибига қўшилиш тўғрисида қарор қабул қилди ва август ойида Москва бу «илтимосни» қондирди.

Бунинг натижасида НКВД Балтик давлатларида оммавий «тозалашлар» ўтказиб, 130 мингга яқин инсонни ҳибсга олди ёки депортация қилди.

Совет тарихчилари ушбу воқеаларни **«социалистик инкилоб»** деб атаб, Балтик давлатлари СССРга **«ИХТ иёрий қўшилган»** деб таърифлаган. Лекин латвиялик журналист Алекс Григорьевс бундай қарашга қўшилмайди: **«Менинг онам бу “ихтиёрий қўшилиш”ни шундай тасвирлаган: “Мен ишга кетаётган эдим, қўчада танклар турган эди”. Ҳеч ким бунга ихтиёрий қўшилиш деб қарамаган, хатто бунга қўллаб-қувватлаганлар ҳам.»**

Абу Муслим